



ABOUT THE INTERNATIONAL CONFERENCE ON THE LIFE AND SCIENTIFIC HERITAGE OF HAKIM TERMIZI

N. Karimov

Researcher

Tashkent University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Hakim Termizi, life, scientific heritage, international, conference, UNESCO.

Received: 29.05.24

Accepted: 31.05.24

Published: 02.06.24

Abstract: This article gives information about the international conference on the life and scientific heritage of Hakim Termizi. The international conference on the life and scientific heritage of Hakim Termizi gathered scholars and researchers from around the globe to explore and celebrate the profound contributions of Hakim Termizi to various fields of knowledge. The event provided a comprehensive overview of Termizi's life, his significant works, and his enduring impact on science, philosophy, and spirituality. Through a series of lectures, panel discussions, and presentations, participants delved into Termizi's methodologies, his influence on subsequent generations, and the relevance of his teachings in contemporary times. The conference also facilitated the exchange of ideas and fostered collaborative research efforts, aiming to further investigate and preserve the rich legacy of Hakim Termizi for future generations.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИГА ОИД ХАЛҚАРО АНЖУМАН ҲАҚИДА

H. Karimov

тадқиқотчи

Тошкент дақлат шарқиунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ҳаким Термизи, ҳаёт, илмий мерос, халқаро, анжуман, UNESCO.

Аннотация: Ушбу мақолада Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий меросига

бағишланган халқаро анжуман ҳақида маълумот берилган. Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий меросига бағишланган халқаро конференция Ҳаким Термизийнинг илм-фаннинг турли соҳаларига қўшган улкан ҳиссасини тадқиқ этиш мақсадида дунёнинг машхур олим ва тадқиқотчиларини жамлаган. Анжуманда Термизийнинг ҳаёти, йирик асарлари, илм-фан, фалсафа ва маънавиятга қўшган ҳиссаси ҳақида атрофлича маълумот берилди. Бир қатор маърузалар ва тақдимотлар орқали иштирокчилар Термизийнинг услубияти, унинг кейинги авлодларга таъсири ва таълимотининг ҳозирги замондаги долзарблигини очиб берди. Шунингдек, анжуманда Ҳаким Термизийнинг бой меросини келгуси авлодлар учун янада чуқурроқ ўрганиш ва асраб-авайлаш мақсадида ўзаро фикр алмашиш ва ҳамкорликдаги тадқиқот ишларини олиб боришга келишиб олишди.

О МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ, ПОСВЯЩЕННОЙ ЖИЗНИ И НАУЧНОМУ НАСЛЕДИЮ ХАКИМА ТЕРМИЗИ

Н. Каримов

научный сотрудник

Ташкентского университета востоковедения

Ташкент, Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E--mail: a.kholikulov@nuu.uz

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Ҳаким Термизи, жизнь, научное наследие, международный, конференция, ЮНЕСКО.

Аннотация: В данной статье представлена информация о международной конференции, посвященной жизни и научному наследию Хакима Термизи. Международная конференция, посвященная жизни и научному наследию Хакима Термизи, собрала известных ученых и исследователей мира с целью изучения огромного вклада Хакима Термизи в различные области науки. На конференции была дана подробная информация о жизни Термизи, его великих произведениях, его вкладе в науку, философию и духовность. Через серию лекций и презентаций участники раскрыли методологию Термизи, его влияние на следующие поколения и актуальность его учения в настоящее время. Также на конференции

договорились обменяться идеями и провести совместные исследования с целью дальнейшего изучения и сохранения богатого наследия Хакима Термизи для будущих поколений.

КИРИШ

IX-XII асрларда яшаб ижод қилган олимларининг ёзма мероси ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва туркман халқлари, яъни Марказий Осиёда яшовчи ҳар бир инсонга фахр туйғусини бериш билан бирга уларнинг меросини чуқур ўрганишга ундайди. Тожик олимларининг ҳам Ҳаким Термизий ва унинг асарлари борасида талайгина ишлари мавжуд. Масалан, У.А.Ғафарова алломанинг “Хатм ул-авлиё” китобини таҳлил қилган бўлса [1], Н.Муҳаммадризо Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериб, уни сомонийлар даврининг йирик олими сифатида эътироф этган [2]. Шунингдек, 2016 йил 21 декабрь куни Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳрида Ҳаким Термизийнинг 1250 йиллиги муносабати билан халқаро илмий симпозиум ўтказилди.

Мазкур илмий анжуман “Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и её значение в мировой цивилизации”(“Ҳаким Термизий даврининг тарихий-маданий анъаналари ва унинг дунё тамаддунидаги ўрни”) деб номланиб, унинг натижалари “Дониш” нашриётида Пилхо Пак раҳбарлиги остида чоп қилинди [3]. Нашр этилган илмий мажмуа 588 бетдан иборат бўлиб, ўзида қирқдан ортиқ тадқиқотларни жамлаган, хусусан тожикистонлик, россиялик, ўзбекистонлик, эронлик, ҳиндистонлик, франциялик ва покистонлик олимлар ўз мақолалари билан иштирок этган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мажмуадаги илк тадқиқот муаллифи Эмомали Раҳмон бўлиб, ушбу мақола “Ҳаким Термизи ҳаёти ва илмий мероси” деб номланган. Унда Ҳаким Термизийнинг дунё илм-фанида тутган ўрни, ёзган асарларининг хорижда ва Тожикистонда ўрганилиш даражаси, унинг сўфийликдаги мақоми, Ҳаким Термизий ва Ибн Арабийнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофлича маълумот берилган. Шунингдек, UNESCO қарори билан алломанинг 1250 йиллик юбелейининг Тожикистонда нишонланиши Ҳаким Термизий илмий меросининг дунё бўйлаб ёйилишига хизмат қилишини таъкидлаган.

Юқоридаги тадқиқотдан кейин Тожикистон Республикаси фанлар академияси президенти Фарҳод Раҳимийнинг сўзбошиси тўпламда келтирилган. Фарҳод Раҳимий маърузасида Ҳаким Термизий яшаб ижод қилган даврга кўпроқ урғу бериб, аллома ижодида самонийлар давлатининг тутган ўрнини очиб берган. Тадқиқотчининг фикрича, самонийлар яратган кўп қиррали маданият Ҳаким Термизийнинг ҳар томонлама юксак илмларни эгаллашига замин ҳозирлаган. Шунингдек, аллома яшаган даврда Мовароуннаҳр,

Хуросон ва Эрон каби давлатларда тожик тили ва маданияти доминант мақомга эга бўлган. Тадқиқотчининг хулосасига кўра, Ҳаким Термизий асарларини ўрганишда у яшаган давр, яъни исломгача мавжуд бўлган давлат – Эрон-Турон асосларига жиддий эътибор бериш лозим. Шунингдек, Тожикистонлик тадқиқотчи Кароматулло Олимовнинг “Усмон ал-Ҳаджвирийнинг Ҳаким Термизийга баҳоси” деб номланган тадқиқоти мажмуадаги эътиборга лойиқ мақолалардан биридир [4]. *Ушбу тадқиқотда XI аср сўфийлигида муҳим ўрин тутган “Нафаҳотул-унс”, “Сафинатул-авлиё”, “Риёзул-авлиё”, “Калиматут-табъ” ва “Кашфу-л-маҳжуб” асарларининг муаллифи Усмон ибн Ҳужвирийнинг Ҳаким Термизий илмий меросига берган баҳоси ҳақида гап кетган. К.Олимов тадқиқотида Ҳаким Термизий сўфийликда алоҳида “Ҳакимийя” деб номланган тариқатга асос солганлигини ва сўфийликда машҳур бўлган Абулқосим Ҳаким, Абу бакр Варроқ, Саҳл ибн Тустарий, Абу Абдураҳмон Суламий каби шогирдларни етиштирганлиги ҳақида маълумот берган.*

Фикримизча, Ҳаким Термизий илмий меросини бевосита ўрганишга бағишланган ишлар илмий тўпламдаги энг эътиборли тадқиқотлардир. Россиялик олим Константин Васильцовнинг “Ҳатм ал-авлия асарининг нашр этилиши ва шиалиқда валийлик ғояси”, покистонлик Ариф Навшахийнинг “کتاب ارشادفارسیترجمانی افکار حکیم ترمذی در یک متن کهن” “Мутафаккир Ҳаким Термизийнинг қадимги форсий “китабул-аршад”даги фикрлари”, хиндистонлик Алим Ашрафхоннинг “Ҳаким Али Термизий ва Ҳиндистондаги “Наводир ул-усул” асари ноёб манба”, ўзбекистонлик Не’мат Джаббаровнинг “Ўзбекистонда тасаввуфга оид манбаларнинг ўрганилиши (Ҳаким Термизий асарлари мисолида)” каби мақолалар шундай тадқиқотлар жумласидандир. Мазкур тадқиқотларда алломанинг бир қанча асарлари таҳлил қилиниб, ёзма манбаларининг сақланиш жойлари ҳақида маълумот берилган.

Қолаверса, франциялик Франсис Ричарднинг “Ҳаким Термизий ва буддизм” номли мақоласи ҳам қизиқ маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, францилик тадқиқотчининг фикрича Ҳаким Термизийнинг кўплаб фалсафий фикрларига ислом динидан олдин Термиз худудида мавжуд бўлган буддавийликнинг таъсири катта бўлган. Ричард ўз фикрларини буддавийлик ва Термизий асарларида учрайдиган ўхшаш ҳолатлар (Термизий ва Будданинг оналари туш кўриши) билан изоҳлаган.

Аммо, мажмуадан жой олган тадқиқотлар ичида анчайин эътирозли масалалар ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига покистонлик Исмат Дурранийнинг “شناسایی نسخه های دست نویس” (Покистон фондларидаги Ҳаким Термизийнинг “Наврўзнома” асари), еронлик Алиризо Саатий “Termezi’s nowrouz nama hand the context of world time calendars” ҳамда ўзбекистонлик Шониёз Мусоевнинг “Научное наследие Хакима Тирмизи хранящей в рукописном центре им. Абу Райхана Бируни” (“Абу Райхон Беруний номидаги қўлёзмалар

институтида сақланувчи Ҳаким Термизийнинг илмий мероси”) номли тадқиқотлари киради. Мазкур мақолаларда асосан “Наврўзнома” [5] китоби ҳақида гап боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур асар Ҳаким Термизий томонидан ёзилган. Аммо, кўпчилик манбаларда келтирилишича, мазкур китобнинг яратилиш даври мўғуллар босқини ёки ундан кейинги даврларга (яъни, Ҳаким Термизий вафотидан кейин уч аср ўтиб) тўғри келади [6]. Қолаверса, еронлик Алиризо Саатий тадқиқотида Ҳаким Термизий эмас Ҳўжа Абдулкарим Термизий “Наврўзнома” асарининг муаллифи сифатида кўрсатилган. Хулоса қилиб айтганда, “Наврўзнома” асарининг Ҳаким Термизий томонидан ёзилганлиги анчайин баҳсли масала, шу сабабли бу борада ҳали кўплаб тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Қолаверса, ҳиндистонлик Мушир Ҳусайн Сиддиқийнинг “Ҳаким Термизий – ҳақиқий донишманд” ҳамда яна бир ҳиндистонлик тадқиқотчи Маҳмудий Оламнинг “Имом Термизий муҳаддислар ичида ёрқин юлдуз” номли ишлари тадқиқот даражасида баҳоланиши керак эмас. Зеро, ҳар иккала иш ҳам олдин нашр этилган тадқиқотлардан шунчаки кўчирилган [7].

Илмий тўпламдаги бошқа тадқиқотлар бевосита Ҳаким Термизийнинг илмий меросини ўрганишга бағишланмаган. Асосан, мазкур тадқиқотларда ўрта асрлардаги Марказий Осиё илм-фани, савдо-сотиғи, шаҳарсозлиги ва диний жараёнлари каби масалалар баён қилинган.

ХУЛОСА

Умуман олганда, “Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и её значение в мировой цивилизации” номли халқаро илмий симпозиумнинг ўтказиши Ҳаким Термизий илмий меросига бўлган улкан ҳурмат белгисидир. Мазкур илмий анжуман сабабли аллома ёзма меросининг ўрганилмаган кўплаб жиҳатлари аниқланиб, унинг дунё илм-фанига қўшган ҳиссаси маълум даражада сарҳисоб қилинди. Аммо, фикримизча, Ҳаким Термизий шахсига шовинистик жиҳатдан ёндашиш, яъни Марказий Осиёда 1991 йилдан тарихни ўрганишда урф бўлган “меники, сеники” концепциясига таяниш катта хатодир. Чунки, бу минтақадаги халқларнинг илдизи, тарихи ягона бўлиб, уларнинг илмий мероси ҳам Марказий Осиёда яшовчи ҳар бир инсон учун кадрлидир. Ҳаким Термизий каби алломанинг меросини ўрганишда биздан 100 йиллар илгарилаб кетган Ғарб ёки араб давлатларига фақат ҳамжиҳатликда олиб борилган тадқиқотлар орақалигина етиб олишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гафарова Умеда Абдуллаевна. "Аль-Хаким ат-Тирмизи и его взгляды о святых в «Хатм аль-авлийа'»" Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Гуманитарные науки, по. 4 (49), 2016. – pp.61-64.
2. Ноджи, Мухаммадризо. Культура и исламская цивилизация в государстве Саманидов / М.Ноджи.-Душанбе, 2011. – 1295 с
3. Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и ее значения в мировой цивилизации. – Душанбе, Дониш. 2016. – с. 588.
4. Али ибн Усман ибн ал-Хаджвири. Кашф-ул-махджуб. –Тегран, 1386.х. Изд-не второе. – с.137.
5. “Наврўзнама”-йил, ойлар, кунлар ҳисоби ҳақида ёзилган асар.
6. Alexev A. The horoscope calendar of Khwaja Abu Al-Hakim Tirmizi as an ethnographic source. Monuscripta Orientalia, vol.18.no.1. St.Petersburg. –pp.42-44.
7. Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/Al-Hakim_al-Tirmidhi;
<https://en.wikipedia.org/wiki/Al-Tirmidhi>